

ИЛОВА КОНСТРУКЦИЯ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Ўзбекистон - Финландия педагогика институти ассистенти

Утаев Ш.Ш

Тилшуносликда энг муҳим долзарб масалалардан бири иловали конструкция масаласи бўлиб қолмоқда. Мазкур масала назарий томондан, даставвал рус тилшунослигида кўрилган. Рус тилшунослигида иловали конструкция масаласи ўрганила бошлаганига анча бўлди. Бу соҳада "Грамматика русского языка"(В.В. Виноградов) дарслигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Иловали конструкция тўғрисидаги масала ҳам назарий, ҳам амалий томондан биринчи марта "О присоединительных связях в современном русском языке"(С.Е. Крючков) мақоласида таҳлил қилинди. Иловали конструкциялар оғзаки нутқ синтаксисини ёзма манбаидаги кўринишидир. Иловали конструкциялар тўғрисидаги масалани рус тилшунослигидан бошқа, бир қатор олимларнинг монографик асарларида, катта илмий асарларида ва мақолаларида учратиш мумкин. Академик В.В. Виноградовнинг "Стиль Пушкина", Н.С. Поспеловнинг "Синтаксический строй стихотворных произведений А.С. Пушкина", Л.В. Щербанинг "О счастьях речи русским языке" каби асарларини кўрсатиш мумкин. Бу асарларда иловали конструкциялар фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам ёритиб берилган. Юқорида баён қилинган "Иловали конструкциялар" тўғрисидаги фикрлар илмий, назарий аҳамиятга эга бўлиб, бошқа тилшунослик фанларининг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, Е.Е. Крючковнинг мақоласида чоп қилинган, илмий, назарий мулоҳазалар, барча тилларда: немис, инглиз, француз, ўзбек, тожик, қozoқ тилларида баъзи бир ходисаларни изоҳлаб беришда илмий-назарий методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу соҳада энг ёрқин мисол қилиб Б.Т. Турсунов билан С.Х.Облокулованинг 1982 йилда чоп қилинган "Библиографический указатель по вопросам сложного

синтактического услого, присоединения парцеллирования” китобини кўрсатиш мумкин. Унда “Иловали конструкция масаласи” бўйича барча кандидатлик диссертациялари, монографиялар, илмий мақолалар маълум тартибга келтирилиб чоп қилинган. Уларда биз ўрганаётган масалани қайси тилда, қай даражада ўрганилаётгани тўғрисида маълумот берилади. Иловали конструкциялар масаласи бўйича ҳам немис тилида ҳимоя қилинган кўплаб номзодлик диссертациялари шу нарсани кўрсатадики, иловали конструкциялар масаласи ҳали ҳам унча тўлиқ ўзлаштирилмаган.

Иловали конструкциялар “одатдагидан ташқари тартибга эга бўлган “алоқалар” бўлиб, бу унинг ташқи белгиси ҳисобланади. Функционал жиҳатдан эътибори билан эса улар сўзловчининг нутқидаги содда услубни, унинг оғзаки сўзлашувига хос хусусиятларини акс эттиради. Шу сабабли бундай конструкцияларни текширишда уларга кўпроқ стилистика фани нуқтаи назаридан ёндашиб иш кўришга тўғри келади.

Стилистика тилдаги элементларни, воситаларни нутқда қандай қўлланилишни ёки ёзувчининг бирон-бир фикрини ифодалашда тутган ўзига хос услубий маҳоратини ўрганадиган фан бўлиб, ўз навбатида бадиий нутқ услубий, илмий характердаги нутқ услуби, ўзаро ёзишмалар ва амалий идора ишларида қўлланиладиган нутқ услуби сингари соҳаларга бўлинади.

Иловали конструкцияларнинг хусусиятларини изоҳлашда, энг олдин уларнинг нутқдаги ўрни ва функциясини аниқлаш лозим. Сўнгра бундай алоқаларнинг структураси, ундаги қисмларнинг ўзаро муносабати ва грамматикада тутган ўрни белгиланиши лозим. Бу конструкциялар, бирор стилистик вазифаларни бажаришга қаратилган бўлишидан ташқари, синтактик жиҳатдан ҳам ўз изоҳига эга бўлиши керак ва амалий томондан уларни қандай тушуниш лозимлиги конкретлаштирилиши лозим.

Маълум синтактик гуруҳлар (бу гуруҳлар содда гап шаклида бўладими, сўз ёки сўз бирикмаларидан иборат бўладими, бундан қатъий назар) ўзида ифода

қилинган мазмунга илова тарзида айтилган қўшимча қисмни бириктиради. Натижада бир умумий фикрни англатадиган алоқалар юзага келади. Иловали конструкциянинг умумий кўриниши ва айрим хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги мисолни келтирамиз.

Und damit sollte nicht nur gesagt sein, daß Gottlieb sich zu allen, die auf pramkes seite Standen. Zu der Roten. (Witlegel. Ein Katten Sprung-S-172).

Бу иловали конструкция икки қисмдан иборат. Биринчи қисм – асосий қисм, иккинчиси - иловали қисм. Сўзловчининг асосий фикри „Und damit sollte nicht nur gesagt sein, daß Gottlieb sich zu allen, die auf pramkes seite Standen “ қисмида баён қилинган. Шунини ҳам қайд этиш мумкинки, иловали қисм асосий қисмнинг мазмунини тўлдириб, конкретлаштириб келади.

Шунинг учун ҳам илова қилинган сўнги қисм, мисолдаги олдинги фикрга қўшимча изоҳ келтириб, у қиз билан бирга кетишга истак билдирган кишиларни аниқлаб келади. Яъни, иловали элемент “Feine Kavalerie” асосий қисмнинг аниқ бир бўлагини, яъни viele - сўзини конкретлаштириб келади. Агар юқорида келтирилган бир бутун илова конструкция, оддий конструкция ёрдамида берилганда эди, у ҳолда бу конструкция таркибидан бирон-бир муҳим маънога эга бўлган бўлакни ажратиш кейинроқ бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Admoni W. Der deutsche Sprachbau. М.,- Л.,1966. – 284 S.
2. Маскопов Б. Ўзбек тилшунослигида илова конструкциялари масаласи. –Журнал: «Ўзбек тили ва адабиети», 1973, №6, 49-51-б.